

**“Умумжахон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида блогерлар  
учун «Молиявий саводхонлик мавзусининг энг яхши ёритилиши»  
мавзусида ўтказиладиган Республика танлови  
НИЗОМИ**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Ушбу Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) танловни ўтказиш тартиби, танловда иштирок этиш шартлари, танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ишларни баҳолаш мезонлари ва бошқа танлов қоидаларини тартибга солади.

Танлов мақсади блогернинг молиявий саводхонлик бўйича энг яхши ишларини аниқлашдан иборат.

Танлов иши **2020 йилнинг 12 февралидан 16 апрелгача** бўлган даврда ижтимоий тармоқлар ва каналларга жойлаштирилиши ва Низом талабларига жавоб бериши керак.

Танлов учун ишлар аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш, фуқароларнинг молия соҳасида маданият-маърифатини шакллантириш, уларни молиявий воситалардан фойдаланиш, шунингдек молиявий маҳсулотлар ва ташкилотлар билан ўзаро хавфсизликда ҳамкорлик қилишни ўргатишга қаратилган бўлиши керак

Танлов номинациялари:

- «Энг яхши ёзилган мавзу ва тушунча»;
- «Энг яхши визуал қўринишда тасвирланган мавзу ва тушунча»

**2. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Танлов мақсади: ахборот-маърифий ва таълим нашриёти, теле ва радиодастурларнинг сони ва сифатини ошириш орқали аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини кўтаришга кўмаклашишдан иборат.

Танлов вазифалари:

- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш соҳасидаги нашрлар/хабарлар сонини ошириш;
- аҳолининг молиявий таълим олиши ва бу мавзуни мунтазам равища ёритишга лаёқатли блоггерлар гурухини шакллантириш ҳамда блогерларнинг экспертиза даражасини оширишга кўмаклашиш.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ**

Танловда Ўзбекистондаги ижтимоий медиа-блоггерлар қатнашишлари мумкин.

Хар бир иштирокчидан биттадан ортиқ ариза қабул қилинмайди. Хар бир тоифа учун биттадан ғолиб аниқланади, шунингдек, 2- ва 3- ўринлар аниқланади. Танловда иштирок етиш бепул.

### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗА**

Танловда иштирок этиш учун иштирокчи ариза шаклини тўлдиради ва нашр/пост/видеога ҳаволани кўрсатади, сўнг материалларни юклайди.

Иштирокчи ариза юбориши биланоқ танлов қоидалари ва Низом шартларига тўлиқ ва сўзсиз розилигини билдиради.

Иштирокчи танловда иштирок этиб, танлов иши тақдим этиши иштирокчининг асарни шахсан ўзи яратганлигини, унга нисбатан мутлақ ҳуқуки мавжуд эканлигини, шунингдек, асарни яратишда ва ундан фойдаланишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилмаганлигини кафолатлади.

Ишга бўлган муаллифлик ҳуқуқларига доир низолар келиб чиқкан тақдирда, бундай ишни юклаган иштирокчи ташкилотчи томонидан ҳеч қандай билдиришномасиз танловда иштирок этишини автоматик равища тўхтатади ва агар бу иштирокчи танлов ғолиби ёки совриндори сифатида танланса, бундай танлов натижаси бекор қилинади.

### **5. ТАНЛОВ ИШЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

#### **«Энг яхши ёзилган мавзу ва тушунча»**

• Нашриёт формати **.doc** бўлиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилинган саҳифа ва сана кўрсатилган бўлиши керак.

#### **«Энг яхши визуал кўрининиша тасвирланган мавзу ва тушунча»**

• Нашриёт формати **jpg, mpeg4** бўлиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилинган саҳифа ва сана кўрсатилган бўлиши керак.

**Танлов тили-ўзбек ва рус тиллари.**

### **6. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Танловда иштирок этиш учун аризалар, ишлар ва ҳаволалар **2020** йил **16 апрелгача** қўйидаги электрон манзили орқали қабул қилинади:

**communication@cbu.uz** ва **konkurs.cbu@gmail.com** (хат мавзусида «**Global Money Week Танлови**» деб кўрсатилиши лозим).

Тақдим этилган иш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлса ва/ёки Низомнинг техник талабларига ва/ёки танловнинг бошқа шартларига жавоб бермаса, ташкилотчи тақдим этилган ишларни тушунтиришсиз рад этиш хукуқига эга эканлигига Иштирокчи танловга ўз ишларини тақдим этиш орқали рози бўлади. Ташкилотчи тақдим этилган ишнинг ўз хоҳишига кўра Низом талабларига жавоб бериши тўғрисида қарор қабул қиласди.

Танлов иши бўйича муаллифлик хукуқи билан боғлиқ низо юзага келганда, иштирокчи ўз иштирокини танловда автоматик равишда тугатади.

Танлов тўхтатилган ёки тутатилган, ёки Низомга ўзгартиришлар киритилган тақдирда танлов ташкилотчиси <https://cbu.uz> веб-сайтига ва ва Марказий банкнинг расмий саҳифаларида тегишли билдиришнома қўйиб, бу хақда иштирокчиларга маълум қиласди.

## **7. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Голибни аниқлаш Танлов ҳакамлар ҳайъати ишларни баҳолайди. Энг кўп балл тўплаган асар муаллифи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Дастлабки малакавий текшириш давомида танлов ишлари қуйидаги сабабларнинг бирига кўра танловда иштирок этишдан четлатилади:

- танлов Низомига риоя қилмайди;
- ахлоқсиз, ноцензуравий, зўравонликка чақирадиган сўзлар ишлатилган;
- Танлов қатнашувчилари ёки бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситади;
- этник, ирқий, диний ва бошқа нифокларни қўзғатади;
- учинчи шахсларнинг хукуқларини поймол қиласди.

## **8. БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Танлов ҳайъати танлов ишларини қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

- тақдим этилган мавзулар бўйича материалнинг мувофиқлиги;
- тақдим этилаётган ахборот ҳажмининг ишончлилиги ва тўлиқлилиги;
- материалларни йиғиши ва топширишнинг профессионал усуслари, шу жумладан, қонунчиликка, маҳсус адабиётларга ва малакали мутахассисларнинг фикрларига асосланганлиги;
- материални кенг китобхонларга тақдим этишнинг аниқлиги ва тушунарлилиги;

- материални тақдим этишнинг ўзига хослиги ва ифодалилиги.

Танловнинг 2 нафар ғолиби ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан ҳар бир номинация бўйича саралаб олинади. Ғолиблар ҳакамлар ҳайъати қарори билан овоз бериш йўли билан аниқланади.

Танлов ҳайъати ишларни шахсий субъектив фикр асосида баҳолайди. Танлов ҳайъати ўз ҳукмлари бўйича мустақилдир. Ҳайъат ишига таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

### **Совринлар:**

1-ўрин- *Iphone 11 русумли телефон*

2 - 3-ўрин- *Марказий банк кумуши эсдалик тангаси*

### **9. АРИЗАНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

Танлов иштирокчилари ўз ишларини электрон почта орқали юборадилар: **communication@cbu.uz** ва **konkurs.cbu@gmail.com** (мавзу сатрида "**Global Money Week танлови**" номи албатта бўлиши керак), шунингдек, электрон воситаларда шахсан етказишлари мумкин. Хабар матнида иш мавзуси ва номинацияси кўрсатилиши керак, шунингдек, адабиётлар матни/фото-видео материалларини бириткириш билан бир қаторда уларга ҳавола кўрсатилиши керак.

### **АРИЗА ШАКЛИ**

Иштирокчининг тўлиқ исми	
Электрон почта манзили	
Яшаш жойи, шаҳар, туман	
Танлов ишининг қисқа тавсифи (кўпи билан 300 та сўз)	
Алоқа маълумотлари	